



**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ
КЎРСАТИШ
ДЕПАРТАМЕНТИ**

**АКЦИЗ СОЛИҒИ ҲИСОБОТИНИ ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

АКЦИЗ СОЛИҒИ ҲИСОБОТИНИ ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

1. Адвалор ставкалари қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китобини тўлдириш тартиби .
2. Қатъий ставкалар қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китобини тўлдириш тартиби .
3. Қатъий ва адвалор ставкалардан ташкил топган аралаш ставкалар белгиланган, акциз солиғи ҳисоб-китобини тўлдириш тартиби.
4. Табиий газ бўйича акциз солиғи ҳисоб-китобини тўлдириш тартиби.

Акциз солиғи ҳисоб-китоби Солиқ кодексининг 283-293 моддалари қоидалари билан тартибга солинади ва солиқ ҳисоб-китоби Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги “Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига 2-илова билан тасдиқланган (*Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февраль куни 3221-сон билан рўйхатга олинган*).

Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботини топширишда давлат солиқ хизмати органларига фақатгина маълумотлар мавжуд бўлган ҳисоботнинг иловаларини тақдим этишади.

Акциз солиғи солиқ ҳисоботи куйидаги муддатларда тақдим этилади:

Солиқ кодексининг 292-моддасига асосан солиқ ҳисоботи, солиқ бўйича ҳисобда турилган жойдаги солиқ органларига **ҳар ойда, ҳар бир солиқ даврининг якунларига кўра**, солиқ давридан **кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай** тақдим этилади.

Бензин, дизель ёқилғиси ва газ автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилинган тақдирда, солиқ ҳисоботи автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги солиқ органларига **ҳар ойда, ҳар бир солиқ даврининг якунларига кўра**, солиқ давридан кейинги ойнинг **ўнинчи кунидан кечиктирмай** тақдим этилади.

Солиқни тўлаш тартиби

Солиқ кодексининг 293-моддасига асосан солиқни тўлаш **солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай** амалга оширилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича солиқни тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Солиқ кодексининг 290-моддасига асосан солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва солиқнинг белгиланган ставкаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб шаклини тўлдириш тартиби

Акциз солиғи бўйича адвалор ставкалари, қатъий ставкалар, қатъий ва адвалор ставкалардан ҳамда табиий газ бўйича акциз солиғи тўловчи корхоналари томонидан танланади.



Ҳисобот шакллариининг сариқ рангли катаклари дастур томонидан автоматик тарзда ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ тўловчилар ҳисобот шаклининг кўк рангли катакларига тегишли маълумотларни қайд этиши керак бўлади.

Ҳисобот шакллариини тўлдиришда шакллариининг пастки қисмида қайд этилган изоҳларга эътибор берган ҳолда маълумотларни қайд этиш лозим.

Ҳисоб-китоблар ушбу солиқни тўловчилари томонидан ҳар ойда ўсиб борувчи яқунсиз, алоҳида тартибда ва сўмда тўлдирилади.

1. Адвалор ставкалари қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китобини тўлдириш тартиби .

Ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) солиқ ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган бўлса, солиқ базаси бўлиб реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) қиймати, бироқ уларнинг ҳақиқий таннархидан паст бўлмаган қиймати ҳисобланади.

Адвалор ставкали солиқ ҳисоб-китоби танланади, сўнгра маҳсулот тури бўйича солиқ коди танланади (103,139,163,164), йил, давр ва ҳисобот тури танланади.

Бунда, 103 код-суюлтирилган газ учун акциз солиғи, 139 код-республика ҳудудида ишлаб чиқарилган заргарлик буюмлари, 163 код-полиэтилен гранулалар учун акциз солиғи, 164 код-мобиль алоқа хизмати учун акциз солиғи) тармоқ корхоналари томонидан танланади.

Электрон шакллар Журнал

Адвалор ставкалари қўлланиладиган акциз солиғи ХИСОБ-КИТОБИ

Ҳисобот деталлари

Солиқ	Хисобот тури
<ul style="list-style-type: none"> Солиқ 103 - Суюлтирилган газ учун акциз солиғи 139 - Акциз. ЎзР ҳудудида ишлаб чиқарилган заргарлик буюмлари 163 - Полиэтилен гранула учун акциз солиғи 164 - Мобиль алоқа хизмати учун акциз солиғи 	МИРЗО УЛУҒБЕК тумани

Ҳисоб-китоби кўрсаткичлари қуйидагича тўлдирилади:

- 2-устунга сатрлар бўйича акциз солиғи тўланадиган товар (хизматлар) номи киритилади;

Солиқ солинадиган база қисмида 4-устуни 5-7-устунлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади;

- солиқ солинадиган база қисмида 5-устунига акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) реализация суммаси киритилади;

- солиқ солинадиган база қисмида 6-устунига акциз солиғи солинадиган бошқа оборотлар суммаси киритилади;

- солиқ солинадиган база қисмида 7-устунига товарларни реализация қилиш нархи ва таннархи ўртасидаги ижобий фарқ суммаси киритилади.

Солиқ солинадиган базани камайтириш қисмида 8-устуни 9-12-устунлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади;

- солиқ солинадиган базани камайтириш қисмида 9-устунига экспортга реализация қилиш суммаси киритилади;

- солиқ солинадиган базани камайтириш қисмида 10-устунига толлинг операциялари бўйича реализация қилиш суммаси киритилади;

- солиқ солинадиган базани камайтириш, солиқ солинадиган базани бошқа камайиш қисми 11-устунига имтиёзни қўллаш учун асос бўлган ҳужжат рақами ва санаси киритилади;

- солиқ солинадиган базани камайтириш, солиқ солинадиган базани бошқа камайиш қисми 12-устунига имтиёз суммаси киритилади;

Акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база қисми 13-устуни 4-устун ва 8-устунлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади;

Акциз солиғи ставкаси, фоиз қисми 14-устунига солиқ ставкаси киритилади;

Ҳисобланган акциз солиғи суммаси қисми 15-устуни 13-устун ва 14-устунлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади;

№	Акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Солиқ солинадиган база				Солиқ солинадиган базани камайтириш					Акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база (4-устун - 8-устун)	Акциз солиғи ставкаси, фоис	Ҳисобланган акциз солиғи суммаси (13-устун x 14-устун) / 100
			жами	шу жумладан:		товарларни реализация қилиш нархи ва танархи ўртасидаги ижобий фарқ	жами	шу жумладан:						
				акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) реализацияси	акциз солиғи солинадиган бошқа оборотлар ^а			экспортга реализация қилиш	топлинг операциялари бўйича реализация қилиш ҳажми	солиқ солинадиган базани бошқа камайтириш ^а	имтиёзни қўллаш учун асос			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
	Жами	х	113,000,000.00	98,000,000.00	15,000,000.00					х		113,000,000.00	х	22,600,000.00
1	Полиэтилен гранулалар	с/м	113,000,000.00	98,000,000.00	15,000,000.00							113,000,000.00	20.00	22,600,000.00
2		с/м												

2. Қатъий ставкалар қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китобини тўлдириш тартиби .

Акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) нисбатан солиқ ставкалари мутлақ (қатъий) суммада белгиланган бўлса, солиқ базаси акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) натурада ифодаланган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Қатъий ставкали солиқ ҳисоб-китоби танланади, сўнгра маҳсулот тури бўйича солиқ тури, йил, солиқ даври ва ҳисобот тури танланади.



Қатъий ставкалар қўлланиладиган акциз солиғи ХИСОБ-КИТОБИ

Ҳисобот деталлари

0 --

2021 Феврал

Акциз солиғи тўловчиси тўғрисида маълумот

- Акциз солиғи тўловчиси тўғрисида маълумот
- Қатъий ставкалар қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китоби (Алкоголли маҳсулотлар бўйича)
- Қатъий ставкалар қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китоби (АЁҚШ. Якуний истеъмолчига реализация қилинадиган)
- Қатъий ставкалар қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китоби (Нефть маҳсулотлари бўйича)

Бунда, акциз солиғи ҳисоб-китоби (алкоголли маҳсулотлар бўйича, АЁҚШлар томонидан якуний истеъмолчига реализация қилинадиган, Нефть маҳсулотлари бўйича) тармоқ корхоналари томонидан танланади.

Дастлаб акциз солиғи тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар тўлдирилади.

Ушбу ҳисоб-китобда барча рақамлар далл ўлчов бирлигида киритилади.

АЁҚШ, якуний истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

Акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Солиқ солинадиган база				Солиқ солинадиган базани камайтириш					Акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база (4-устун - 8-устун)	Акциз солиғи ставкаси	Ҳисобланган акциз солиғи суммаси (13-устун x 14-устун)
		жами	шу жумладан:			жами	экспортга реализация қилиш	топлинг операциялари бўйича реализация қилиш ҳажми	солиқ солинадиган базани бошқа камайтириш**				
			акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) реализацияси	ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳажми	акциз солиғи солинадиган бошқа оборотлар*				имтиёзни қўллаш учун асос	имтиёзли реализация ҳажми			
2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Якуний истеъмолчига реализация қилинадиган:	х	х	х	х	х				х		20,527,000	х	7,104,450.00
Бензин (код-43)	литр	16,715.00	16,500.00	215.00					⊖ ⊖		16,715.00	350.00	5,850,250.00
Бензин (код-43)	тонна								⊖ ⊖				
Дизель ёқилғиси (код-43)	литр	2,577.00	2,458.00	119.00					⊖ ⊖		2,577.00	350.00	901,950.00
Дизель ёқилғиси (код-43)	тонна								⊖ ⊖				
Суюқтирилган газ (код-43)	литр	1,235.00	1,123.00	112.00					⊖ ⊖		1,235.00	350.00	432,250.00
Суюқтирилган газ (код-43)	тонна								⊖ ⊖				
Суюқланган газ (код-43)	куб метр								⊖ ⊖				
Суюқланган газ (код-43)	куб метр								⊖ ⊖				

Ушбу ҳисоб-китобда ўлчов бирликлари литр, тонна ва куб. метр бирлигида киритилади.

Нефть маҳсулотлари бўйича;

Акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Солиқ солинадиган база				Солиқ солинадиган базани камайтириш					Акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база (4-устун - 8-устун)	Акциз солиғи ставкаси	Ҳисобланган акциз солиғи суммаси (13-устун x 14-устун)
		жами	шу жумладан:			жами	экспортга реализация қилиш	топлинг операциялари бўйича реализация қилиш ҳажми	солиқ солинадиган базани бошқа камайтириш**				
			акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) реализацияси	ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳажми	акциз солиғи солинадиган бошқа оборотлар*				имтиёзни қўллаш учун асос	имтиёзли реализация ҳажми			
2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Нефть маҳсулотлари жами:	х	7,353,000	6,830,000	473,000					х		х	х	1,813,370,000.00
Аи-80 Бензини (код-8)	тонна	5,083,000	4,800,000	283,000					⊖ ⊖		5,083,000	240,000.00	1,216,920,000.00
Аи-91, Аи-92, Аи-93 Бензини (код-9)	тонна								⊖ ⊖				
Аи-98 Бензини (код-8)	тонна	1,390,000	1,300,000	90,000					⊖ ⊖		1,390,000	275,000.00	382,250,000.00
Дизель ёқилғиси (код-118)	тонна	880,000	780,000	100,000					⊖ ⊖		880,000	240,000.00	211,200,000.00
ЭКО дизель ёқилғиси (код-118)	тонна								⊖ ⊖				
Авиакеросин (код-118)	тонна								⊖ ⊖				
Дизель ёки карборатор (инжектор) двигателлари учун мотор moyи (код-120)	тонна								⊖ ⊖				

Ушбу ҳисоб-китобда ўлчов бирлиги тонна бирликда киритилади.

3. Қатъий ва адвалор ставкалардан ташкил топган аралаш ставкалар белгиланган акциз солиғи ҳисоб-китобини тўлдириш тартиби.

Акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ҳамда реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Қатъий ва адвалор ставкалардан ташкил топган аралаш ставкалар бўйича солиқ ҳисоб-китоби танланади, сўнгра маҳсулот тури бўйича солиқ коди танланади (88,89), йил, давр ва ҳисобот тури танланади.

Бунда, 88 код-қаттиқ ўрамдаги филтърли сигаретлар учун акциз солиғи, 89 код-филтърсиз сигаретлар учун акциз солиғи тармоқ корхоналари томонидан танланади.

№	Акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) номи	Ўлов бирлиги	Солиқ солинадиган база					Солиқ солинадиган базани камайтириш								Қатъий ставка бўйича акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база (4-устун - 9-устун)	Акциз солиғи катъий ставаси	Қатъий ставка бўйича ҳисобланган акциз солиғи суммаси (19-устун x 20-устун)	Авалтор ставка бўйича акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база (7-устун + 8-устун - 11-устун)	Акциз солиғи авалтор ставкаси, фоис	Авалтор ставка бўйича акциз солиғи суммаси (22-устун x 23-устун /100)	Акциз солиғи суммаси, жами (21-устун + 24-устун)		
			шу жумладан:		Реализация қилинган акциз тўланадиган товарлар бошқа оборотлар*	Товарларни реализация қилиш нархи ва таннархи ўртасидаги ижобий фарқ	жами	шу жумладан:				солиқ солинадиган базани бошқа камайиш**												
			акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) реализацияси	акциз солиғи солинадиган бошқа оборотлар*				натурада ифодаланган	қийматда ифодаланган	экспортга реализация қилиш	толлинг операциялари бўйича реализация қилиш ҳажми	солиқ солинадиган базани бошқа камайиш**		имтиёзни қўллаш учун асос										
			натурада ифодаланган	қийматда ифодаланган	натурада ифодаланган	қийматда ифодаланган	натурада ифодаланган	қийматда ифодаланган	натурада ифодаланган	қийматда ифодаланган	натурада ифодаланган	қийматда ифодаланган	натурада ифодаланган	қийматда ифодаланган	натурада ифодаланган								қийматда ифодаланган	
1	Жами	х	92,484.00	92,400.00	84.00	114,300,000.00									х	х	92,484.00	х	18,076,800,000.00	114,300,000.00	х	11,430,000.00	18,087,230,000.00	
1	Филтърли ва филтърсиз	винг дана	92,484.00	92,400.00	84.00	114,300,000.00											92,484.00	172,000.00	18,076,800,000.00	114,300,000.00	10.00	11,430,000.00	18,087,230,000.00	
2		винг дана																						
3		винг дана																						

Ҳисоб-китоби кўрсаткичлари қуйидагича тўлдирилади:

- 2-устунга сатрлар бўйича акциз солиғи тўланадиган товар (хизматлар) номи киритилади;

Солиқ солинадиган база қисмида 4-устуни 5-7-устунлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади;

- солиқ солинадиган база қисмида 5-устунига акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) реализация ҳажми киритилади;

- солиқ солинадиган база қисмида 6-устунига акциз солиғи солинадиган бошқа оборотлар ҳажми киритилади;

- солиқ солинадиган база қисмида 7-устунига реализация қилинган акциз тўланадиган товарлар қиймати (акциз солиғи ва ҚҚСсиз) киритилади;

- солиқ солинадиган база қисмида 8-устунига товарларни реализация қилиш нархи ва таннархи ўртасидаги ижобий фарқ суммаси киритилади;

Солиқ солинадиган базани камайтириш қисмида 9 ва 10-устунлари 11-18-устунлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади;

- солиқ солинадиган базани камайтириш қисмида 11-12-устунларига экспортга реализация қилиш ҳажми натурада ва қийматда киритилади;

- солиқ солинадиган базани камайтириш қисмида 13-14-устунларига толлинг операциялари бўйича реализация қилиш ҳажми натурада ва қийматда киритилади;

- солиқ солинадиган базани камайтириш, солиқ солинадиган базани бошқа камайиш қисми 15-16 устунларига имтиёзни қўллаш учун асос бўлган ҳужжат киритилади;

- солиқ солинадиган базани камайтириш, солиқ солинадиган базани бошқа камайиш қисми 17-18 устунларига имтиёзли сумма натурада ва қийматда киритилади;

Қатъий ставка бўйича акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база 19-устуни 4-устун ва 9-устунлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади;

Акциз солиғи қатъий ставкаси қисми 20-устунига солиқ ставкаси киритилади;

Қатъий ставка бўйича ҳисобланган акциз солиғи суммаси қисми 21-устуни 19-устун ва 20-устунлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади;

Адвалор ставка бўйича акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база қисми 22-устуни 7,8 ва 11 устунлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади;


Акциз солиғи адвалор ставкаси, фоиз қисми 23-устунига солиқ ставкаси киритилади;

Адвалор ставка бўйича ҳисобланган акциз солиғи суммаси қисми 24-устуни 22-23 устунлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади;

Акциз солиғи суммаси, жами (21-устун + 24-устун) қисми 25-устуни 21-24 устунлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади;

4. Табиий газ бўйича акциз солиғи ҳисоб-китобини тўлдириш тартиби.

Табиий газ бўйича акциз солиғи ҳисоб-китоби реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.



Табиий газ бўйича акциз солиғи ХИСОБ-КИТОБИ

Хисобот деталлари

Солиқ	Хисобот тури
Йил	Давр
Мирзо Улуфбек тумани	
Табиий газ бўйича акциз солиғи ХИСОБ-КИТОБИ	

Табиий газни истеъмолчиларга реализация қилишни амалга оширувчилар ҳисоб-китоби танланади, сўнгра маҳсулот тури бўйича солиқ коди (117), йил, давр ва ҳисобот тури танланади.

Бунда, 117 код-табиий газ акциз солиғи тармоқ корхонаси томонидан танланади.

№	Тайёр маҳсулот номи	Реализация қилинган маҳсулот қиймати, акциз солиғи ва ҚҚСсиз			Товарларни реализация қилиш нархи ва таннархи ўртасидаги ижобий фарқ	Солиқни ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база (3-устун)	Акциз солиғи ставкаси, фоиз	Ҳисобланган акциз солиғи суммаси (7-устун х 8-устун) / 100
		жами	охирги истеъмолчиларга, шунингдек экспортга	солиқ солинадиган бошқа оборотлар*				
1	2	3	4	5	6	7	8	9
	Жами	29,081,301,612.00	5,315,630,400.00	23,765,671,212.00		29,081,301,612.00	x	5,816,260,322.40
1	Табийий газ	29,081,301,612.00	5,315,630,400.00	23,765,671,212.00		29,081,301,612.00	20.00	5,816,260,322.40
2								

Ҳисоб-китоби кўрсаткичлари қуйидагича тўлдирилади:

- 2-устунга сатрлар бўйича акциз солиғи тўланадиган товар (хизматлар) номи киритилади;

Реализация қилинган маҳсулот қиймати, акциз солиғи ва ҚҚСсиз қисмида 3-устуни 4-5-устунлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади;

- солиқ солинадиган база қисмида 4-устунига охириги истеъмолчиларга, шунингдек экспортга реализация суммаси киритилади;

- солиқ солинадиган база қисмида 5-устунига солиқ солинадиган бошқа оборотлар суммаси киритилади;

6-устунга товарларни реализация қилиш нархи ва таннархи ўртасидаги ижобий фарқ суммаси киритилади;

7-устун Солиқни ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база қисми 3-устундан автоматик шаклланади;

8-устунга акциз солиғи ставкаси, фоизда киритилади;

9-устун ҳисобланган акциз солиғи суммаси қисми 7-8 устунлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

6. Солиқ органи томонидан ҳисоботнинг қабул қилинмаслиги сабаблари

1. Ҳисоб-китобдаги рақамлар манфий тарзда тўлдирилиши.
2. Ҳисоб-китобнинг акциз солиғи ставкаси сатрига солиқ ставкаларини киритмаслик ёки нотўғри киритилиши.
3. Иловаларнинг кўк рангли устунларини тўлиқ тўлдирмаслик.